

Розия Холхужаева



Қайтар
дунё

Розия ХОЛХУЖАЕВА

ҚАЙТАР ДУНЁ

Ҳикоялар

Мақолалар

Тахризлар

СУЗАК РАЙОНДУК
БОРБОРЛОШТУРУЛГАН
КИТЕПКАНАСЫ

" " 20 г.


Ўш - 2003

Розия Холхўжаева 1960 йили Қирғизистоннинг Жалолобод шаҳри ёнидаги Тошбулоқ қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, аввал Самарқанд матбаачилик билим юртида, сўнг Андижон Давлат педагогика олийгоҳида ўқиган. Ҳозирда ўз қишлоғидаги “Тошбулоқ” ўрта мактабида ўқитувчилик қилмоқда. 1987 йилдан буён Ўш ва Жалолобод вилоятларида ташкил қилинаётган ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларида ўзбек тили ва адабиёти фанидан маърузалар ўқиб келмоқда. Қирғизистон Республикаси таълим аълочиси.

Р. Холхўжаеванинг шеърлари ва мақолалари Самарқанд вилояти “Ленин йўли”, Андижон вилояти “Коммунист”, Ўш вилояти “Ўш садоси”, Жалолобод вилояти “Жалолобод тонги”, шунингдек, Фарғона водийси ёзувчилари уюшмасининг “Олтин водий” газеталарида босилган. У ўқувчиларга ўзининг “Сени излайман”, “Қалбим наволари”, “Ҳадислар ҳикмати”, “Турон қизиман” шеърӣ тўпламлари билан яхши таниш. 1996 йили Қирғизистон эркин ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган.

хикоя

китобxon



Аччиқ мерос

Эгамберди аканинг фақат иккита фарзанди бўлиб, иккиси ҳам ўғил эди. Ундан мерос бўлиб фарзандларига данғиллама уй, катта ховли, машина, болали сигир колди. Ўзи кутилмаганда вафот этди. Фани дадаси тириклигидаёқ уй-жойли эди. Бироқ ота-онасига яқинроқ жойдан бошка оларман деб уйини сотди. Янги уй оламан деб турган бир пайтда онаси ҳаётдан кўз юмди, сотилган уйининг ярим пулини онасининг дафн маросимига ишлатди. Қолган пулга эса кичкина уй сотиб олди. Ҳамма нарса ҳам пулига яраша бўлганидек, каттиқроқ гапирса овози кўшненикига эшитиларди. Шунинг учун Фани катта уй сотиб олиш ниятида кичик ховлини сотиб, хотинига маслаҳат солди:

- Хотин, кел, энди биз ҳам одамлардек яхшироқ уйда яшайлик.

- Тўғри айтасиз, дадаси. Янги уй сотиб олгунча дангизнинг уйларида яшаб турайлик. Биласиз, улар бўш турибди.

Эр-хотин бир машина юк билан Алиникига кўчиб келишди. Дадаси борлигида бу данғиллама уйлар гуриллаб турарди, энди хувиллаб қолганга ўхшарди. Фаниларнинг кўчиб келиши бу уйга файз киритгандек бўлди. Чунки хотини Фотима кичик кўнгил, соф ниятли аёл бўлиб, фарзандларини ҳам яхши тарбиялаган эди.

Фани дадасидан қолган уйда ярим йилча яшагандан сўнг укаси Али бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган

бўлди. Куз кунларининг бирида ўз акасини уйдан қувиб чиқариш ниятида ичиб келди-да, акасини ҳақорат қилиб, қаршилиқ кўрсатмаганлигидан фойдаланиб, бошини цементга урди, оёғига шикаст етказди. Фани укасига қўл кўтармади.

Жанжал тиниб, Али сўкиниб уйига кириб кетгач Фотима эрига:

- Кунда жанжал, тўйиб кетдим, укангиз бўлар-бўлмасга галва кўтаради, сизнинг йўғингизда болаларни ҳам сўкиб йиғлатапти. Бу ерда ортиқ турғизмайди, шекилли. Уй сотиб олгунимизча менинг ота-онамникида турайлик, уйлари катта, - деди.

- Кел, хотин, сабр қилайлик, - деди Фани хотинини юпатиб. - Одамлар бизни квартирант дейишмасин. Озгина қолди.

Эрининг бу гапидан бир нарса эсига тушди шекилли, Фотима дарҳол жавоб қайтарди:

- Кеча монтерлар келишган эди, укангиз ва унинг хотини: “Свет пулининг ярмини квартирантлардан олинглар” дейишибди.

- Сабри таги – олтин, сабр қилайлик, - деди Фани жаҳлини аранг босиб.

Эр-хотин қанчалик ҳаракат қилишмасин, катта ҳовлига етадиган пул тўплай олишмади. Бунинг устига кейинги кунларда Фанининг иши юришмай қолди. Олдин пули кўплигида жиянлари “бойдада” дер эдилар, энди эса улар ҳам квартирант деб атай бошладилар. Фани бундай гапларни эшитмасликка олар, аммо укасининг ниҳоятда ўзгариб кетганига руҳан эзиларди. Фотима доим Алининг отчётларини қилар эди. Агар у ёрдам бермаса Али аллақачон ичкиликбозликка берилгани, ишни ўз вақтида бажармаслиги учун ишдан кетган бўлармиди. Бирок у буни тан олгиси келмас, фикри-ёди акасининг оиласини тезроқ уйдан чиқариб юборишда эди.

Фани жанжалли уйга келгани юраги безиллаб, ишда узоқ вақт қолиб кетадиган одат чиқарди. Бутун кўргилик хотинининг зиммасига туша бошлади.

Алининг сабр-тоқати тугай бошлаган кунларнинг бирида Фотиманинг сингиллари меҳмон бўлиб келишди, улар кадди-комати келишган бўлиб, замонавий кийинишар, олийгоҳда сиртдан ўқишарди. Фотима сингиллари билан анча гаплашиб ўтирди. Ниҳоят улар уйларига кетишди. Али оёғи куйган товукдай зўрға тонг оттирди. Азонлаб акасининг эшигини тепиб, ёмон сўзлар билан ҳақорат қила бошлади:

- Хой ўрис, ўзинг уйга зўрға сиғяпсан-у, яна бу ерга қанжикларингни олиб келасан. Хохлаган пайтимда уйдан ҳайдаб соламан, квартирантлар! Сингилларингга ҳам айтиб қўй, бошқа келишмасин. Ўзларинг ҳам йўқолларинг! Хой хотин, эрингга айтиб қўй, товук катагидай бўлса ҳам уй олсин. – Сўнг Али акасига ўшқира бошлади. – Хотинингнинг қонини ичаман, қачон қарасанг, ўрис сифат юради. Жавобини бер, бўлмаса қонини ичаман!

Фани бу гапларни ўз жигари айтаётганига сира ишона олмасди. Шайтон унга: “Чиқ, пичок билан қорнини тилиб ташла! Эркакмисан ўзи, ҳеч бўлмаса биқинига боплаб тепмайсанми” дер эди. Лекин у ўзини тийди. Кўз олдидан отаси ўтиб, унинг насиҳатларини эслади: “Болам, каттам сенсан, укангга ота бўл, ёмонларга қўшилиб кетмасин. Агар иложини топсанг, ҳовлингни сотиб, укангга яқин жойдан уй сотиб ол”. Фани отасининг васиятини амалга оширишга уринса-да, бунинг тўлиқ урдасидан чиқолмаганига афсусланди. Агар у ҳозир аччиқ устида укасини урадиган бўлса, отаси гўрида тик турадигандек эди.

Фани бошини икки қўли орасига олиб ўтирар экан, хаёли узоқларда эди. Укаси Самарқандда ўқиётганда қанчалик ёрдам берганди, энг оғир кунларида хотини ҳам тек тургани йўқ, ҳозир ҳам унинг ишларини шу бечора

киляпти. Машина олайлик деганида ҳам у : “Кўйиб ту-ринг, олдин Алижонни уйлайлик” деганди. Мана шу яхшиликларга жавобми укасининг бу қиликлари? Бу аблах учун одам бир пул, унга фақат катта ҳовли бўлса, бас.

Ташқарида яна Алининг бақирган овози эшитилди: “Уйимни бўшатишиб кўй, кофирлар!”

Қаттиқ шамол бўлиб, ёмғир ёғди. Ёмғирнинг майда-лаб ёғиши инсоннинг бағрини эзарди...

Маданиятсиз

Холдор қурилиш техникумида ўқирди. У жуда гапдон бўлиб, мақтангани-мақтанган эди: “Бизни женканинг мамашкаси зўр, ўзи кетворган, бели бир қарич, киприклари қошига етади, кийимни ҳам модага қараб кияди”.

Ҳақиқатан ҳам, Нигора эри мақтагандек гўзал ва замонавий келин эди. Аммо Холдорнинг ота-онаси уни ҳам ўзларининг кепига киргизди-қўйди.

Кунлардан бир кун Холдор:

- Орқамдан ўқишга, айниқса, пахта терими пайтида кўргани бормаяпсизлар, - деб ўпкалади.

Шунинг учун унинг орқасидан укаси ва хотини излаб боришди. Холдор бу пайтда курсдошлари Оля, Гуля билан апоқ-чапоқ бўлиб ўтирганди. Бирдан Гуля:

- Холдорчик, сени битта киши ва бир хотин чақиряпти, страшний экан улар, - деди.

Холдор хонадан югуриб чиқди. Эшик олдида хотини ва кўзи ожиз укаси турарди. Укаси дўппи кийиб олган, гижим кўйлақда, хотини кенг кўйлақда, бошида рўмол билан турарди.

Холдор хайратини яшира олмади:

- Шунақаям кишлоқи бўлиб келасанларми, ахволларингни кара.

- Ота-онангиз мени шу ахволга солди, - деди Нигора ерга бокиб.

- Сен-чи, нимага келдинг, сени ким чакирди? – Холдор энди укасини гадаблай бошлади.

- Бизлардан ор қияпсанми. Кўришмасанг ҳам ҳеч бўлмаганда ошни олиб кириб кет, узоқдан қийналиб келдик, - деди укаси газабини аранг босиб.

- Овозингни ўчир, ичкаридагилар эшитмасин!

Шу пайт Олянинг нозланиши эшитилди:

- Холдорчик, тезроқ келмайсанми, кишлоқилар билан бунча гаплашдинг, ёки онангми у хотин?

Холдор орият қилганидан шошиб қолди:

- Тезроқ иккаланг ҳам ош-пошинг билан йўқол!

Укаси унинг кўлига ошни бермокчи бўлди, Холдор унинг кўлини забт билан туртганди, ош ер билан битта бўлиб тўкилиб кетди. Нигора қайин укаси билан ўксиб-ўксиб йиғлаб, изига қайтди. Манмансираган Холдор эса Оля, Гуляларга ўз укасини ичиб олган бир кишлоқи киши, хотинини эса шаллақи бир аёл экан деб айтиб ёлғон-яшиқ, олди-қочди гаплар билан уларни оғзига қаратди. Унинг мактанишича, дунёдаги энг маданиятли инсон Холдорнинг ўзи эди.

Афсус, минг афсус! Сенинг гапингга қулоқ солган, сенга ишонган одамларнинг ҳолига вой! Сенга ўхшаган маданиятсизга хотин ҳам, ука ҳам хайф! Шуни билиб қўйки, сен уларнинг тирноғи остидаги кирчалик ҳам эмассан!

Оила устунни

Шавкат хотини ҳаётдан кўз юмгандан сўнг ўғли Ёдгорбекни туғруқхонадан олиб келди. Чақалоқ қуйиб қўйгандек онасига ўхшарди. Шавкат бегуноҳ гўдакка қараб, илк бор ўпкасини тутолмай йиғлади: “Шоирам,

хаётда нима ҳам кўрдиг, олийгоҳда эрингни, кундошингни кўрардинг, қанчалар хўрландинг. Қайси қилган гуноҳингга бунчалар камситилдинг, соддалигинг учунми ёки ор-номусли, диёнатли бўлганинг учунми? Сени бахтли қиламан деб ваъдалар бергандим, афсуски, буларнинг барчаси сароб экан, эзгу ниятларингни чилпарчин этдим...”

Шу пайт Шавкатнинг онаси уйга кирди.

- Кўй, куюнма, ўғлим. Ўлганни тирилтириб бўлмайди. Шоиранинг руҳини қийнама. Ётган жойи юмшоқ бўлсин, болам! Сенга бебаҳо, паҳлавон Ёдгорбекни қолдириб кетди. Худога шукр қил, ўғлим! – деди у.

Шавкатбекни ота-онаси тезда уйлаб қўйишди. Келин Шоира сингари гўзал бўлмаса-да, одоб-ахлоқи ҳаммани ўзига ром айларди. Келин Ёдгорбекни ўз фарзандидай қарай бошлади. Шавкат барибир уни Шоирага ўхшата олмасди. Олти йил ўтса ҳам Шавкат иккинчи хотинидан фарзанд кўрмади. Бир куни у эридан аразлаб, онасиникига кетди, аммо Ёдгорбекнинг: “Ойижон, ойижон, бизларни ташлаб кетманг!” – дея йикилиб, орқасидан қувлаб қолгани тушларига кирди. “Ёдгорбекда нима гуноҳ, у бегуноҳ фаришта, онага ташна. Мен бу ерда нима қилиб ўтирибман”, дея Ёдгорбекнинг олдига кетди.

Ёдгорбек уни узоқдан кўриб: “Ойижон, сизни жудаям соғиндим, дадам билан ҳар куни уришдим, ойимни олиб келиб беринг, бўлмаса мен ҳам ойимнинг олдига кетаман дедим” - деб, унинг юрак-бағрини эзди.

Келиннинг тамоғига йиғи келди. У ҳам Ёдгорбекка кўшилиб йиғлади: “Ўзимнинг ўғлим, Ёдгорбегим, йиғлама, қаерга кетсам ўша жойга сени ҳам олиб кетаман, юр, кетдик уйимизга”.

Келин билан Ёдгорбек иккаласи етаклашиб уйга кириб келишди. Шавкатбек ноқулай ахволда қолди, чунки Шоиранинг ўлимига ёш келиннинг нима даҳли бор. Шоиранинг ўлгани учун қачонгача уни азоблаш мумкин.

Ички изтироблари уни кийнади. Шавкат хотинининг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди. “Мени кечиринглар!” – деди унга. Ёдгорбекнинг кўзлари чакнаб кетди.

- Энди ҳеч қачон уришмайсиз-а, дадажон? Доим бирга бўламиз-а, ойижон?

Ёдгорбекка келиннинг меҳри товланиб, уни биринчи синфга олиб борди. Ёдгорбекка шерик қилиб қиз кўрди. Ёдгорбек сингилчасига ўзи исм қўйди. Оиламизда ҳамиша меҳр-окибат бўлсин деб, Меҳрихон деган исмни танлади. Хақиқатан ҳам халқимиз бежиз: “Фарзанд – оила устун”, деб айтмаган экан.

Садоқат

*(Дадамнинг онаси, каттабувим
Қундузхон Абдулгозиеванинг хотирасига)*

Она бу воқеани 1941 йили бўлган деб доимо икки фарзандига такрор-такрор айтиб берарди.

Унинг севикли ёри 1941 йилда кўнгиллилар қаторида Ватанни ҳимоя қилиш учун отланди. Эрини фронтга кузатаётганида лаблари беихтиёр пичирлади: “Эй Парвардигор, яхши кунларимни кўп кўрма!” Ўз ёғига ўзи қовурилиб, аёл боши билан илк баҳордан бошлаб кеча-кундуз деҳқончилик билан шуғулланди. У ўзига қадрдон бўлиб қолган кенг далаларда ишларкан, келажакка умид билан қараб, ғўза ниҳолларини чакалокни авайлагандек бутун меҳр-муҳаббати билан парвариш қилди. Тер тўкиб меҳнат қилиб, барчага ўрнак бўлди.

Мафтункор баҳор – гуллар фасли уни ўзига бут гўзаллиги билан ром айлади. Вафодор аёл хижрон ўтида ёниб, ёрини сабрсизлик билан кутарди. Эридан қолган ёдгорлари – икки фарзандини қаноти остига олиб, ҳеч нарса-

дан ўқситмай ўстиришга ҳаракат қиларди.

Орадан қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтди, лекин аёлдаги ёрига бўлган оташин садоқати ва муҳаббати сўнмади, балки янада кучлироқ аланга олди. Аёл чиройли эди, шу боисдан унинг ошиқлари ҳам кўп эди. Лекин у ёрини умр бўйи кутди. Табиатнинг давомийлиги узлуксиз кечарди: ёз, куз, қиш, баҳор алмашинарди, унинг қалбида эса баҳор чечаклари ҳамон сўлмаган эди. Аёл баҳорни севарди, чунки унинг тўйи баҳорда бўлган. Шунинг учун бўлса керак, баҳорда ёрини кўриб сўнг кўз юмишни истарди. Афсуски, унинг севгилиси қирқ бешинчи йилда, ғалабага оз вақт қолганида ҳалок бўлган эди. Аммо аёл уни ҳамон тирик деган умид билан кутарди.

Энди унинг икки қаноти остида фарзандларининг фарзандлари бир этак, бир олам. Она эрталаб туриб, чорпо-яда ўтириб, кўз-қошига сурма кўйиб, олисларга термулишини кўймайди. Кутавериб ўтли кўзлари сўлди, нурсизланди, олдига келган одамни фақат овозидан танийдиган бўлиб қолди. Лекин унинг муҳаббати, умид чироғи сўнмади. Доим дастурхон йиғиштирилаётганда бир сўзни қайта-қайта такрорлаб фотиҳа ўқирди: “Ер юзида тинчлик бўлсин! Урушнинг юзи тескари бўлсин”. Уруш онанинг сочларига оқ, юзларига эса ажин солди. Ҳаёт унинг истакларига қарши туриб, олтмиш тўққиз ёшида баҳорда эмас, афсуски, қишнинг ўртасида оламдан ўтди. У вафот этган куни тинимсиз қор ёғди, изғирин шамол эсиб турди. Гўёки табиат бутун борлиғи билан вафодор аёлни қора ер қаърига кириб кетишига тўсқинлик қилаётгандай эди. Аёл қирқ беш йил келинлик либосида ёрини кутиб, ҳаётдан кўз юмди. Сўнгги дамда ҳам қалтироқ кўллари билан қорахатни кўксига босиб: “Сен тириксан, менинг кўксим ва атрофимдаги қора кўзлардасан”, – дея жон берди. Қабрда эса ҳар баҳор лолақизғалдоқлар мунгли тебраниб, сўлиб ерга тўкилади. Уларни мен бувимнинг

армонларига ўхшатаман.

* * *

Уруш йиллари. Қаҳатчилик.

Ҳамма топганини баҳам кўриб, эплаб-сеплаб кун ўтка- зарди. Бу ёш аёл ҳам икки ўғил билан қолди, куёви уруш- га кетди.

Қиш. Изғирин.

Аёл сал-пал оқсаб босарди. Гўдаклигида оёғи чиқиб қолган эди, туғма эмасди. Лекин кимирлаш, бирни икки қилиш, яшаш керак! Фарзандлари эса ниҳоятда ёш бўлганлиги сабабли аёл қатик, қаймоқни қийналса-да ўзи бозорга олиб бориб сотарди. Кунлардан бир куни у қатик сотгани кетаётган эди, бир тўп болалар йўлдан чикди. Мана шу болалар ичидан биттасич: “Чўлок, чўлок, чўлок” – деб узлуксиз еру заминни ларзага келтириб, бақира бош- лади. Бу ҳам етмагандай оксокланиб, эрмаклаб у ёк бу ёкқа юрарди, боланинг дўстлари эса хандон отиб кулар- ди. Аёл саросималаниб атрофга жовдираб боқди, яхши- ям ҳеч ким йўк.

- Ё раббим, дўст-душман ичида шарманда қилмагин, - деб йўлида давом этди. Она гўё бир карвондек ўтиб кет- ди, болалар эса итлардек хуриб қолди. Аёлнинг ранги докадек оппок, оёқлари эса тинимсиз қалтирарди, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилса ҳам, бутун баданида нохуш- лик сезди...

Аранг бозорга қатикни олиб бориб сотди. Уйга мажол- сиз кириб келди, икки фарзанди онасининг олдига келиб, кўлтиғига киришди: “Ойижон, бугун кеч келдингиз, ро- саям кўрқдик!” Она қалбидаги қоронғилик, зимистон ўрнини ёруғлик, яшаш учкунлари эгаллай бошлади. Аёл кечаси ухлагани ётиб, ярим кечаси алахсираб чикди. Ўнгидаги йўлдаги болалар тушида ҳам уйку бермай кув- лаб, ҳакоратлаб чикди. Қулоғи остида “чўлок” деган сўз

бетиним такрорланарди...

Йиллар кетидан йиллар ўтиб, уруш йиллари ҳам ўтиб кетди, лекин аёлнинг ёри урушдан қайтмади...

Мафтункор баҳор!

Катта йўлда она икки фарзандини етаклаб келаётган эди, узоқдан шилликқуртдай қўлтиқ таёқда олдинга зўрма-зўраки ҳаракат қилиб, бир йигит келаётган эди. Қўлтиқтаёқдаги йигит аёл билан сўрашиб, уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин аёл уни танимади, йўлида давом этди. Йигит эса кўзлари ёшланиб, аёлнинг орқасидан қараб қолди... Аёлга ҳалиги башара танишдай туюлди.

Нимага йўлини тўсди?

Нима демоқчи эди?

Кечаси бу саволлар унга уйқу бермади, эслади, ҳалиги бола, тавба... Она юраги эзилиб, йигитга ичи ачиди, раҳми келди, гарчанд у ҳақоратлаган бўлса ҳам...

Ҳаёт мураккаб бир қарвон. Бугун нимасан, эртага нима бўласан, буни ҳеч ким билмайди. Шундай экан, кексаларнинг гапига қулоқ солиш керак. “Қари билганини пари билмайди”, деб бежиз айтишмаган. Уларнинг яна бир гапи бор: “Бировнинг устидан кулмагин зинҳор...”

Меҳр

Катталар ҳайвон ҳамма нарсага тушунади-ю, аммо гапира олмайди дейишса, “қизиқ, ҳайвон нимани ҳам тушунарди, ахир ўз номи билан ҳайвон-да” дер эдим. Лекин бир воқеа сира эсимдан чикмайди, уни ҳар эслаганимда юрак-юрагимдан эзилиб кетаман.

Ўшанда 5-6 ёшларда эдим. Бизнинг сариқ сигиримиз бўлиб, у деярли бир пақир сут, ярим литр қаймоқ берарди. Дадам ҳам, онам ҳам молга меҳр кўзи билан қарашиб, яхши боқишарди. Афсуски, тирикчилик вазидан молни сотишга тўғри келди. Уни уйимиздан уч-тўрт ховли на-

ридаги маҳалладошимизга сотдик. Улар сигирни подага ҳайдашарди, лекин у даладан қайтаётганида янги эгасиникига эмас, балки бизнинг уйимизга, ўзининг козиғи олдига бориб, тек туриб оларди. Ҳайдасак ҳеч кетмас, мунгли кўзининг атрофлари доим намланиб турарди. Молимизнинг янги эгаси уни уриб олиб чиқиб кетарди. Бешолти марта шундай қилгани, таёк билан ургани эсимдан чиққани йўқ. Сигир бечора бирон марта ҳам маърамади. Аммо кўздан оққан ёшларини сира унутолмайман.

Кунларнинг бирида дадам ва онам сигирнинг уйимизга бўлган меҳрини сездилар шекилли, шундай дейишди: “Ҳайвон бўлса ҳам уйимизга меҳр қўйган экан, ҳеч унута олмаяпти, пул қилиб тезроқ қайтариб олмасак бўлмайди, бечора ҳайвон жуда қийналиб кетди”. Мен хурсанд бўлганимдан йиғлаб юбордим.

Дадам ва онам маошларини сарфламасдан тўплашди. Ва ниҳоят зарур миқдордаги пулни йиғишди. Мен бениҳоя севинчда эдим, ахир сигиримизни қайтариб оламиз! Афсуски, бу ниятимиз амалга ошмади. Сигир жонивор айрилиққа дош беролмасдан молхонада, қозикда боғланиб турган ерида ўлиб қолган эди...

Ёмон билан юрсанг...

Саодат оиланинг кенжа қизи, ундан олдин Ҳасан, Ҳусан акалари бор. Дадаси Носир ака эса маориф аълочиси, мактаб директори, қаттиққўл ва талабчан устоз. У энгилелпи юрадиган ёшларни ёқтирмайди, билимга чанқоқ ўқувчиларни эса доим қўллаб келади, ҳатто ўқишга киришига ёрдамлашади. Қизи Саодат ҳам илмга меҳр қўйди. Носир ака уни ўрта мактабни тамомлагандан кейин ўзи ўқиган олийгоҳга олиб борди. Собиқ курсдоши Йўлдош акани кўриб, у билан кучоқлашиб кўришди. У докторликни ҳам ёқлаб, филология факультетининг декани бўлиб

қолибди.

Носир ака курсдошини кўриб анча дадиллашди. Саодат ҳам яхши ўқиганлиги сабабли яхши баҳолар олиб, ўз кучи билан ўқишга кирди.

Йўлдош ака деди:

—Носиржон, хали ҳам илмга интилувчанлигинг, жонсараклигинг қолмабди. Қизингнинг ҳар бир саволга пухта жавоб бериши, кенг фикр юритиши мени қувонтирди. Билимдон киз тарбиялабсан, шу кетишда ўқиса, албатта, олийгоҳда олиб қоламиз.

—Қизимни осмонга олиб чиқиб қўйдинг, унчалик эмас, дўстим.

—Айтгандай, югур-югур билан бўлиб ота-онангнинг аҳволини сўрамабман ҳам, улар яхши юришибдимиз?

—Уларнинг вафот этганларига уч-тўрт йил бўлди.

—Мени кечир, дўстим. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин...

—Ўзинг ҳам оиланг ҳақида гапириб бер, фарзандлар нечта бўлди?

—Бир ўғлим бор, юрфақда ўқийди. Сенинг қизингдек билимдон, шахло кўз қизни ҳам орзу қилгандим. Балки куда бўлармиз.

Саодат талаба бўлгач тез ўзгариб, ўзига оро беришни одат қилди. Йигитларга кўпроқ ёкиш учун мода кетидан қувиб кийина бошлади. Курсдоши Роҳила турмуш қуриб, фарзанд кўрмаганлигидан ажрашиб кетган эди. Юрмаган йигити қолмади, у содда йигитларни осонгина илинтирар, бор пулини олмагунча ёнидан кетмасди. Роҳила шаҳардаги қандайдир бузуқ аёллар тўпига қўшилиб, Саодатни ҳам тузукқа илинтиришга ҳаракат қила бошлади. Курсдошларининг кўпи Саодатга насиҳат қилишди: “Роҳила сенинг тенгинг эмас, у эркак кўрган аёл, сен киз боласан, унинг йўриғи бошқа, сеники бошқа”. Аммо Саодат ўз битганидан қолмади. Роҳила эса борган сайин

уни илон каби аврарди.

—Саодат, сени бошкача кўраман, энг тушунган, маданиятли кизсан. Аммо шундай гўзал кизнинг йигити йўк бўлса, ғалати бўларкан. Бу замондан оркада қолиш дегани.

—Роҳила опа, йигит зоти қуриб кетган-ку! Мана, курсимизда ҳам бор-йўғи бешта йигит бор, улар ҳам эгалланган.

—Саодат, бу мажмаяларни нима қиласан, улар ўқишни тамомламай турибоқ киз боланинг кепига кириб қолишади.

Хуллас, Роҳила кизни алдаб-сулдаб базмга олиб борадиган бўлди. Саодат бунга роса тайёрланди, янги кўйлак тикдирди. Кўкрагининг ярми очик бўлиб, эркакларнинг хирсини кўзидиган даражада эди.

Саодат базмда фақат эркаклар ўтирганини кўриб, юраги шувиллаб кетди. Ранги оқариб, ярим очик кўкрагини сочлари билан тўсишга ҳаракат қилди. Буни сезган эркаклар Роҳилага кўз қисиб кўйишди.

Бир оз ўтгандан сўнг Саодат ўзини хийла эркин сеза бошлади, чунки унга кўйиб узатишаётган шарбатларга шароб кўшиб кўйишаётганини у билмас эди.

Базм авжига чиққан бир пайтда хонага қош-кўзлари коп-қора, милиция кийимидаги йигит кириб келди. Уни кўрган Саодатнинг чехраси ёришди, сабаби киз уни аввал ҳам кўрган, тўғрироғи, уйига қайтаётганида шу йигит бир-икки марта навбатсиз билет олиб бериб, автобуска ўтказиб қўйган эди. Йигит Саодатга тикилиб қолди. Бир-икки тамоқ қирган эди, бошқалар бирин-кетин хонани бўшатиб чиқиб кетдилар.

—Мен сизни бу ерда учратаман деб ҳеч ўйламаган эдим.

—Мен ҳам,—деди Саодат кўзини олиб қочиб.—Бу ерга мени Роҳила опам олиб келди, мен унга ишонаман.

—Роҳила опангиз билан ака-сингилдек бўлиб кетганмиз, одамни тушунади. Айниқса, эркак кишининг қалбига йўл топишни яхши билади.

—Мен ҳам уни жуда ҳурмат қиламан, Толиб ака. Аммо баъзи курсдошларим уни кўришолмайди, шунинг учун мени ундан ажратишга ҳаракат қиладилар.

Толибнинг кўзига Саодат қафасдаги қушдек кўринди. Дастлаб у кизни талабалар ётоқхонасига олиб бориб кўймоқчи, Роҳиладан узоқроқ юришни тайинламоқчи ҳам бўлди. Бироқ Саодатнинг гўзал чехраси уни эс-хушидан буткул айирган эди. У кизнинг олдида артист бўлиб кетди. Севги ҳақида шеърлар айтиб, Саодатга қадаҳ тутди. Қиз ичишга унамаган эди, ўхшатиб аразлади: “Ҳурмат қилмас экансиз-да, мени!” Толиб акам хафа бўлмасин деб, киз у узатган қадаҳни бўшатди.

Саодат бундан кейин нима бўлганини билмайди. Кўзини очганда йигитнинг кучоғида ётарди, Дод-фарёд кўтармоқчи бўлганди, Толиб уни ўзига қаратиб деди:

—Ўзингиз осилиб олдингиз, иложим қолмади. Йигитчилик, бўладиган иш бўлиб ўтди.

—Энди нима қиламан, Толиб ака? Ота-онамга, устозларимнинг юзига қандай қарайман!?

—Ўзингиз биласиз, оилалиман. Буни олдинроқ, бу ерга келишдан аввал ўйлашингиз керак эди.

—Нега оилалиман деб айтмадингиз, мақсадингиз мени бадном қилишмиди?

Шу пайт Роҳила ширакайф кириб келди:

—Саодат, сени шунчаликка боради деб ўйламаган эдим. Толиб ака билан эрталабгача ишрат қилдингми?

Саодат бўкириб йиғлаб, юзини беркитди...

Саодатнинг хомиладор эканлиги билиниб қолди. Ҳамма шу ҳақда гапирарди. Қизнинг дадасини чақиртирдилар. Носир ака дўстининг юзига тик қарай олмади:

—Шу ерда бош эгиб, номусга қолиб ўтиргунимча ер

ютса бўлмасмиди мени!

—Дўстим, ўз ишларим билан банд бўлиб, бу ишларни билмай колибман. Мени кечир. - деди Йўлдош ака ҳам кўзини ундан олиб қочиб.

Икки дўст бир-бирининг юзига қарай олишмасди. Факультет декани бўлган Йўлдош ака бу воқеада ўзини айбдор ҳис қилар, Роҳиланинг ёмон аёл эканлигини била туриб, Саодатни огоҳлантириб қўймаганлигидан афсус чекарди. Тўғри, у бир неча марта Роҳилани ўқишдан хайдашга уриниб кўрди. Бироқ у яхши ўқиганлигидан деканатда уни хайдаш учун етарли асос йўқ эди.

Носир ака қизини Толибникига олиб бориб қўйди. Толибнинг уч фарзанди бор, хотини тўртинчисига ҳомиладор эди. Аёл ўта нимжон бўлиб, оёқда зўрға турарди. У Саодатга қараб йиғлаб юборди:

—Соддалигингизга ҳайронман, синглим, шу ярамаснинг гапига ишондингизми. Қанийди, фақатгина сизни алдаган бўлса. Олдин ҳам бир содда кишлоқи қизни буллаган эди. Лекин буни ҳеч ким исбот қилолмади, бечора қиз ўқишни ташлаб уйига кетворди.

Саодат Толибдан нафратланди. Роҳиланинг ёрдамида бўйидагини олдириб ташлади. Аммо унинг шаънига тушган қора доғни ювиб ташлашнинг ҳеч иложи йўқ эди. Бўлиб ўтган воқеадан кейин Носир аканинг алифдек қадди дол бўлиб қолди. Одамлар орасида унинг обрўси қанчалар баланд эди-я! Қизининг ўйламай босилган бир қадами туфайли бу обрў чилпарчин бўлган эди.

Биринчи муҳаббат

Рустам саккизинчи синфни битиряпти, аълочи ўқувчилардан. Жамоат ишларида фаол катнашади, уйда ота-онасига қаралашади. Синфдошлари орасида ҳурмати яхши.

Бундай ёшда ўсмирларда катталарга тақлид қилиш пайдо бўлади, айримлари севги тўрига илашиб ҳам қоладилар. Синфдаги қизлар Рустамга сукуланиб боқишади, аммо унинг ўзи бунга эътибор бермайди. Сабаби, у кўшни синфдаги Гулнорани яхши кўради. Рустам уни кўрмаса, ниманидир йўқотгандек аҳволга тушиб қолар, кулоғига дарс кирмасди. Гулнора бундан бутунлай беҳабар бўлиб, Рустам билан сира иши йўқ эди. Рустам мол боқиб юриб, ўртоқларига Гулнорани яхши кўриб қолганлигини айтди. Ўртоқлари ҳам у киз тўғрисида яхши фикр билдиришди:

—Гулнора яхши киз, синфида энг аълочи, мактабни битиргач, онасига ўхшаб шифокор бўларкан. Уйдаги ишларнинг ҳаммасини бир ўзи қиларкан.

Бундан Рустам хурсанд бўлди. Янада дадиллашиб, Гулнорага ишқий мактуб йўллади. Мактубни олиб кетган бола уни Гулнорага нақд кизлар билан ўтирган жойида топширди. Гулнора ҳайратланганича хатни эндигина қўлга олган ҳам эдики, дугоналари чакқонлик билан тортиб олишди. Шаддод кизлар хатни очиб ўқишиб, кулиб юбордилар. Шу-шу кизлар Гулнорани Рустамга бичадиган бўлишди.

Кунларнинг бирида Гулнора дарвоза олдини супураётганида Рустам бир ошнаси билан келиб, ундан мактубига қачон жавоб беришини сўради.

Кутилмаган бу саволдан Гулнора қизариб кетди. Бирдан ичкаридан онасининг овози эшитилди:

—Қизим, бўлақол, тандирга ўт қала, хамирим ачиб кетаёзибди.

Гулнора ичкарига чопди. Саволига жавоб ололмаган Рустам изига қайтди.

Гулнора онаси айтган ишларни битиргач, дарс тайёрлаш учун ўтирди. Лекин унинг хаёли бир жойда эмас эди. У Рустам тўғрисида ўйлай бошлади. Бир оз муддат шун-

дай вазиятда ўтиргач, кўлига китоб олди. Алгебрадан масала ечиши, адабиётдан шеър ёдлаши, чизмачиликдан берилган топшириқни бажариши керак. Бирок яна хаёли Рустамга кетди. Нима қилсин, унга жавоб ёзсинми ёки ёзмасинми? Қизнинг бегубор қалбини ўзи ҳали яхши тушунмаган саволлар қийнади.

— Гулнора, тур, қизим! Мактабингдан кеч қоласан.

Қиз шошилиб уйғонди. Шундагина у бирорта фандан ҳам дарс тайёрламаганлигини, Рустамга жавоб ҳам ёзолмаганини эслади.

Орадан кунлар ўтди. Гулнора ширин орзу-умидлар оғушида эди. Бу орада уларнинг синфи Халқаро хотин-қизлар байрамига атаб тадбир ўтказадиган бўлди. Гулнора байрамга қимматбаҳо бўлмаса-да, янги кўйлак кийиб борди. Барибир у қизларнинг энг олди эди, майда қилиб ўрилган сочи унинг хусини янада ошириб юборганди. Байрам тадбири яримлаб қолганда Рустамларнинг синфи кириб келди. Рустам олазарак қараб, қизларнинг ичидан Гулнорани кидириб топди ва унинг олдига келиб:

— Бунча ўзингизга бино қўймасангиз, сиздан зўр қизлар ҳам кўп. Керилиш ҳам эви билан-да! Бир энлик жавоб ёзиб қўйиш шунчалик оғирми, - деди. Унинг сўзлаш охангидан Гулнора жавоб хати ёзмаганлигидан аччиқланганлиги очик-ойдин сезилиб турарди.

Гулнора ҳеч нарса демади. Рустамнинг бу кўпол гаплари унга чакмоқдай таъсир қилган эди.

Бир куни тарих ўқитувчиси икки синфни қўшиб дарс ўтди. Гулнора ўқитувчининг саволига бийрон жавоб қайтарарди.

У барча саволларга жавоб бериб бўлиб, ўрнига бориб ўтириш учун кетаётганида кимдир уни “букри кампир” деб атаганини эшитди. Овоз келган томонга қараб, бу гапни Рустам айтганлигини билди. Қиз бечоранинг боши айланиб, ўрнини зўрға топиб олди. У ўзига келганида дарс

тугаб қолаёзган. Рустам унга масхаромуз тикилишда да-
вом этар, унинг ичи гўёки Гулнорага нисбатан нафрат би-
лан тўлгандек эди. Энди кизнинг қалбида Рустамга нисба-
тан нафрат уйғона бошлади. “Нима, бу олижаноб туйғу
унинг учун шунчаки бир эрмакми? Бировни севаман деб
айтиш ёки бўлмаса уни камситиш ўйинчоқдай бир гапми?”

Гулноранинг Рустам билан гап бўлгани ва бу ишнинг
охири шундай тугагани айрим кизларга мойдай ёқарди.
Сабаби, кизнинг ошиғи кўп эканлигидан уларнинг гаши
келарди.

Қиз қалбида эндигина ғунчалай бошлаган мухаббат шу
тариқа хазон бўлди. Чунки уни авайлаб-ардоқлайдиган
боғбон йўк эди.

Туркистон

Бутун дунёни Туркистон деб номланган ўлка ўзининг
буюклиги, улуғлиги, халқининг донолиги, меҳмондўстли-
ги, кенг феолиги билан мафтун этган. Қўйинги, ана шу
улуғ деб улуғланган, буюк деб буюкланган, ўзининг улуғ
ва буюк даҳоларидан фахрланган Туркистонда 1924 йил-
нинг кузида миллий давлат чегараланиши ўтказилди.
Оқибатда Туркистон бўлақларга бўлинди. Бу бўлиниш
натижасида миллийлик ва миллатчилик вужудга келди.

Шундай қилиб, туркистонликлар бўлинишлари эвази-
га (!) “озодлик ва тенг ҳуқуқлилик”ни қўлга киритдилар.
Лекин бир онадан тарқаган туркий халқлар кундан-кун-
га, йилдан-йилга бир-биридан узоклашиб боравердилар.
Ўртадаги меҳр-оқибат, мурувват, одамийлик ҳамда Тур-
кистон деб номланган бир бутун ўлканинг номи қалби-
миздан кўтарила бошлади. Бу ўзгаришлардан эсанкира-
ган раҳбарлар катта оғаларига ёқиш учун лаганбардор-
лик, тобелик йўлидан бордилар.

Мана шундай тобелик кўринишларидан бири бошка алифбога ўтишдир. Дастлаб лотин алифбосини қабул қилган бўлсак, кейин лаганбардорлик байроғини баланд кўтариб кирилл алифбосига ўтдик ва ўзлигимиз, тарихимиз, меросимизни оёқ ости қилдик. Бугунги кунда гўё чет эллик одамлар сингари ота-боболаримиздан қолган нодир меросларимизни таржимасиз, яъни кирилл алфавитида ёзилмаса ўқий олмаймиз. Афсуски, истасак-истамасак ҳам оломон бўлиб, А.Орипов айтганидек яшадик:

Қаршингда хасратли ўйга толаман,

Қачон халқ бўласан, сен эй оломон?!

Юрак-юрагимнинг ичида бир ингрок тўлғонади. Бу шундай ингрокки, кўнглимдагини тўлик тўкиб солмоқчиман. 1983 йили олийгоҳ томонидан топшириқ олиб, Шаҳрихондаги маҳалларда халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплдик. Шунда кексалар турғунлик йилларидаги шов-шувдан, миш-мишдан кўрқиб, араб алифбосида ёзилган меросларимизни қабристонга кўмиб, ариқларга оқизгани ёки куйдирганини кўз ёши билан айтиб ўтишди. 80 ёшдаги Инобатхон ая Ибн Синонинг китобини авлоддан-авлодга ўтказиб келган ажойиб аёлларимиздан бўлганлигини, улар форс-тожик тилида ёзилган китобнинг бир варағини бир кеча-кундуз ўқиб, таржима қилишганини мароқ билан айтиб, ух тортиб кўйди. Бунинг тағида маъно бор экан. Шу китоб бугунги кунга қадар сақланиб келиниб, охири ўғлига қолган. Ўғил эса топганини ичар экан. Инобатхон ая ана шу бебаҳо китобни ароқхўр ўғли сотиб ичиб юборганини таассуф билан айтди.

Айтинг-чи, қайси дарслик бугунги жаҳон тиббиёти Шарқ табобатига асосланганлигини ёки Ўрта Осиёда астрономия, математика, тупроқшунослик, меъморчилик, фалсафа юксак даражада ривожланганлигини тўла кўрсатиб берган? Тиббиётда Ибн Сино, Беруний география, геодезия, фалсафада, Қозизода олий математикада, Улуғ-

бек фалакиёт илмида мислсиз кашфиётлар қилганидан кўп ўқувчиларимиз беҳабар.

Ўзлиги ва тарихини билмаган авлоддан нимани кутиш мумкин?! Ўзлиги ва тарихи учун курашган кишилар шахсга сифиниш йилларида ўлимга маҳкум этилган, шунинг учун туркистонликлар лом-лим демай яшаб келдилар.

Бир-биримизни менсимасликдан турли муаммолар келиб чиқмаяптимикин? Туркий халқим, бир-бирингни кадрла, эъозла, манманлик билан узоққа боролмайсан, ўзингни ўйлаб, ўзгани оёқ ости қилма, унинг келажаги учун ҳам кураш.

Қалбимдаги бор ҳақиқатни айтмоғим даркор, айтмасам уни қачонгача қалбим тубида сақлайман. Жалолободда кўп минг сонли ўзбек аҳолиси яшайди. Мана шу ўзбек аҳолисига ҳам ҳурмат тарзида улар яшаётган жойга ўзбекча шиорлар ёзилса, ўзбекча нашриётлар очилса яхши бўларди, токи ўзлигимизни унутмасак. Биргина рўзнома етади десак, хатога йўл қўямиз. Бу деганимиз чакалокнинг оғзига хўрозқанд солиш билан баробардир, чунки вилоятимизда истеъдодли қаламкашлар ниҳоятда кўп.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чикса ҳам донғи чиқмас, бўлинганни бўри ер деган ҳикматли сўзлар бежиз айтилмаган. Туркий халқларнинг бир ёқадан бош чиқармаслиги оқибатида тарихий обидаларимиз барбод бўлди.

*Нечун хомуш боқдинг, замондош?
Юрагинг қон йиглаб бердинг-а бардош.
Петраш отди Бобур уйига тош,
Турон халқим, бердинг-а бардош!*

*Қора ният қора тунда ҳам
Тинч ётмади, тўлганди ҳар дам.*

*Ва ниҳоят уйни бузиб ул
Кетди маҳлуқ уйни қилиб кул.*

*Байналмидал дўстлармиз дея,
Турон халқим кўкрак уриб биз,
Унутибмиз ҳатто дейиш сиз,
Шунинг учун ўчди қанча из.*

*Бобур уйи, ёдгорхонага
Ёзилмабди ўзбекчаси ҳам!
Қўлни қўлга бермайин бардам,
Қайта қуриш деймиз-а ҳар дам!*

Мустақиллик туфайли кўп нарсани қўлга киритдик. Бугунги кунда ҳамманинг намоз ўқиши, дуоларни ўрганиши, одамларнинг мадрасаларга сиғмай тўлиб-тошиши, домла, отинбибиларнинг кўпайиши шу мустақиллик, эркинлик, озодлик туфайлидир. Бу билангина кифояланмай, балки араб алифбосида ёзилган бутун меросларимизни ўрганиш, топишимиз керак, токи Ибн Синодек, Берунийдек, Қозизода Румийдек, Улуғбекдек боболаримизнинг руҳи шод бўлсин.

Минг афсуски, муаммо кўп, лекин умид ҳам катта. Ажаб эмаски, келажакда чегаралар йўқолиб, Туркистон деган ном билан яна машхур бўлсак. Мен шундай кун келишига ишонаман. Бу куннинг келишини тезлаштириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Қайтар дунё

Эри аварияда фожиали ҳалок бўлгач, Ирода икки кизи-Малика ва Муҳайё билан қолди. У довдираб қолмади. Заводда икки сменада ишлаб, кизларини еб-ичиш, кийи-

нишдан сира ўкситмади. Унинг оиласи ўзига тўқ бўлиб, бошқалардан ажралиб турарди. Бу, албатта, Ироданинг исми-жисмига монанд эканлиги, меҳнатдан ўзини олиб қочмаслиги туфайли бўлиб, ҳамма унга хавас билан боқарди. Ахир эркаги бўла туриб, шу даражада тирикчилик юргиза олмаётган оилалар қанча!

Аммо қизларнинг бўйи чўзилгани сайин тантиқлашиб боравердилар. Иродани шу нарса ташвишга солар, қизларининг қўлини совук сувга ургиси келмаслиги ўйлан-тирарди. Лекин уларни уришмас, дадасиз ўсаётганликлари учун дилларини оғритгиси келмасди.

Ирода бошқа турмуш қилмади, яхшигина ерлардан келган совчиларни қайтарди. Унинг фикри-ёди Малика билан Муҳайёни яхши жойларга узатиш, уларнинг бахтини кўриш эди. Уларнинг бахти учун она ўзини фидо этишга тайёр эди.

Вақт темирни ҳам емириб ташлайди. Йиллар Иродага ўз ҳукмини ўтказмасдан қўймади. Авваллари анча-мунча дардни писанд қилмаган Ирода энди ўзини олдира бошлаган эди. Шунга қарамай, у Маликани Москвадаги университетда ўқитди. Муҳайё мактабни ёмон баҳоларга битирган бўлса-да, санъаткор бўламан деб туриб олганлигидан ҳамма нарсасини сарфлаб, консерваторияга ўқишга киритди. Ўқишга жойлаш ишнинг бошланиши экан, холос. Шундан кейин кетган пулнинг ҳисоби йўқ. Ирода ҳаммасига чидади. “Оз қолди, дерди у, Худо хоҳласа, яхши куёвлар насиб қилиб, бу тортганларим унут бўлиб кетади”.

У Маликани севган йигити, олимлик йўлидан кетаётган Зокиржонга узатди. Кичик қизи бўлса: “Мен тенгилар аллақачон телевидениеда чиқиб элга танилиб бўлди, мени эса шундай овозим бўла туриб, ҳеч ким танимайди”, деб Ироданинг юрак-бағрини эзарди. Бечора она охирги кучини йиғиб, Хитойга бориб келди. Топган пу-

лининг ҳаммасини Муҳайёнинг истагини бажариш йўлида сарфлади.

Қизларим деб ўзини ўтга-чўкка урган Ирода бора-борадард олдида ожизлик қилиб ётиб қолди. Унга тинимсиз иситма кирар, дори-дармон олгани пул йўқ эди. Катта қизи куёвда, кичиги эса шон-шуҳрат кетидан қувиб, онанинг ҳолидан хабар олай демайди, Тошкентдан уч-тўрт ойда бир келади.

Муҳайё яна пул илинжида келганида, она шўрлик каттиқ оғриб ётарди. Илгарилари Ирода доим тирикчилик гамида юриб, уйда кам бўлганлигидан Муҳайё ўзини уйнинг маликасидек сезарди. Унинг кўзига каравотда ётган онаси жуда хунук кўриниб кетди. Тезроқ онасидан ўзига керакли пулни олиб, бу ердан чиқиб кетгиси келди.

— Менга кўп пул керак, янги қўшиғимни телевизорда чиқиб айтмоқчиман, бўлаколинг, тезда топиб беринг, — деди у онасига дағдаға қилгандай.

— Вой қизим, кўрмаяпсанми аҳволимни, тўрт ойдан бери туролмай ётибман, пулни қаердан оламан. Дорига ҳам йўқ ҳатто. Яхшиям қўшнилар бор экан, иссиқ-совуғимдан хабар олиб туришибди. Дўхтур олиб келишган эди, бир олам дорини ёзиб берди. Ёнимда шу дориларнинг биттасини олишга ҳам пул йўқ.

Айтганини қилиб ўрганган Муҳайё онасини жеркий бошлади:

— Сиз онамисиз ўзи? Ўз фарзандингизнинг истагини бажара олмасангиз нима қиласиз туғиб! Қачонгача уйда сасиб ётасиз. Олдингизга борган одамнинг кўнгли айни-япти.

— Қизим, шошилма, тузук бўлиб кетарман.

Шу пайт катта қизи Малика ўғлини кўтариб куёви Зокиржон билан кириб келди.

— Вой Муҳайё, уйдამисан, оймлар қани? — Малика сохта меҳрибонлик билан онаси ётган каравотга яқин кел-

ди. —Ойижон, бормисиз, тулинг ўрнингиздан, қачонга-ча ётасиз? Ўзингизга қарамайсизми, уй ҳам жуда сасиб кетибди, тер ҳиди бурқсияпти.

—Нима бўлди сизларга, узоқиб кетдинглар? — Ирода зўрға бир ёнбошига ағдарилди. —Зоқиржон, тузукмисиз, қудалар ҳам яхши ўтиришибдими?

Малика жаҳл билан бекорчи эмасликларини, доим иш билан банд эканликларини айтди.Набирасини қўлига олгиси келган Ирода куёвига мурожаат қилди:

—Келинг, Зоқиржон, неварамни беринг-чи, бир ачомлашайлик, куйиб қўйгандек онасига ўхшайди-я!

—Йўқ, ойижон, биз шошиляпмиз, —Малика боласини тортиб олди. —Зоқиржон акамнинг ўтириши бор экан, кеч қолмасин. Энди, ойижон, ҳадеб ётавермасдан, ўрнингиздан тулинг. Ўзингизни ўйлайвермай, бизни ҳам ўйланг-да! Ҳали ўғлимга суннат тўйи қилганим йўқ. Бир ҳаракат қилиб Эронгами, Хитойгами бориб келганингизда ўғлимнинг тўйини ўтказиб юборган бўлардик.

Буларга нима бўлган ўзи!? Биров ўламан деса, буларнинг куламан дейишини қаранг! Ҳозир Ироданинг кўнглига на Эрон, на Хитой сиғмасди. Унинг суви-куни тугаб бораётганлиги шундоқ кўриниб турарди.Эси йўқ кизлар эса дори-дармон олиб келиш, дўхтур чақиртириш ўрнига пул талаб қилиб туришибди.

Муҳайёнинг жеркишлари она шўрликнинг дардини янада оғирлаштириб қўйди. У ҳатто онасининг чой-нонидан ҳам хабар олмасди. Уч кун йўқ бўлиб кетиб, Ирода бутунлай оч қолди. Бечора аёлнинг ётган жойидан эп-лаб туриб, тиланчилик қилишдан бошқа иложи қолмади. Одатда Муҳайё уйда бўлган пайтларда қўшнилар уни ёқтирмаганликларидан бу ерга киришмас эди.

Муҳайёнинг ишлари юришиб кетди. Телевизорда уч-тўрт кўрингач, мухлислари кўпайди. У янада гўзаллашиб борарди. Элликдан сал ўтган онаси эса саксон ёшли кам-

пирни эслатарди.

Кунларнинг бирида Муҳайёнинг мухлислари уни излаб кириб келишди. Бу пайтда Ирода ўз жойида қаттиқ йўталиб ётарди.

—Муҳайё, бу кампир служанкангми, ёшроғини топмабсан-да!

—Ие, —деди иккинчиси, —бу кампирни мен танийман, кўчада тиланчилик қилганини ўзим кўрганман.

Муҳайё меҳмонларнинг олдида шарманда бўлди. Лекин у сирни бой бермай шундай деди:

—Бу кампирни бозорда тиланчилик қилаётганда раҳим келиб уйга олиб келганман. — У келган одамларни бошқа хонага етаклади.

—Муҳайё, бу кампирни уйингда бир кун ҳам ушлаб турма, қара, оғир касалга ўхшайди, балки ўғри ҳамдир.

Муҳайё эртасига опасиникига бориб, бўлган воқеани унга айтиб берди. Поччаси ҳам қайнонасида жирканарди, шунинг учун опа-сингилни инсофга чақирайин демасди.

Она билдики, у энди қизларига керак эмас. Соғлиги жойида бўлиб, катта-катта топиб турган пайтида ундан яхши одам йўқ эди. Энди ишга ярамай қолганида унга ҳатто қизлари ҳам карамай кўйишди. У қизларига ҳамма нарсани берса ҳам биргина нарса—меҳр бермаганлигидан афсусланди. Аммо энди кеч бўлган эди.

Шўрлик Ирода кишининг кировли кунида хор-зорликда вафот этди. Ҳаёт қанчалик зулмат бўлиб туюлмасин, яхши одамлар албатта топилади. Шундай одамлар бечора аёлнинг жасадини ювиб-тараб, сўнгги манзилга элтдилар.

Муҳайё ҳам эрга тегиб, фарзандли бўлди. У ҳали ҳам гоҳ-гоҳда телевизорда чикиб турар, оғизга тушган бир қўшиғини қайта-қайта айтарди. Лекин эл оғзига элак тугиб бўлмайди. Одамлар бу хонанданинг кимлигини яхши

билиб олишди. Муҳайё кўринганда, улар телевизорни ўчириб кўядиган бўлишди. Телевидениедагилар ҳам унинг кимлигидан хабар топишгач, экранга яқинлаштирмай кўйдилар. Касал онасига бир бурда нонни раво кўрмаган, уни мухлисларига кўчадаги тиланчи деб таништирган Муҳайёнинг “парвози” шундай тез тугади. Лекин бу бошланиши эди, холос. Ҳаёт ҳали унга кўп нарсаларни “инъом” этади.

Бечора она тўғрисидаги ривоятлар Малика бахтли ҳаёт кечираётган шаҳарга ҳам етиб борди. Энди одамлар Малика ва унинг эрига нафрат билан боқа бошладилар. Улар қанча ҳаракат қилишмасин, бу тавки-лаънатдан қочиб қутула олмасликларини тушуниб етдилар. Сабаби, энди гишт қолипдан кўчган, қайтар дунё деганларидек, уларнинг устига қандайдир бир қора булут тинимсиз бостириб келарди.

Қалб изтироблари

(Қамра)

Бугун сен туғилган кун. Эсингдами, бундан ўн йил олдин, яъни туғилган кунингда табиат нақадар гўзал бўлган эди! Сен баҳорда туғилганинг учунми атроф беҳад гўзал кўринар, ям-яшил адирлар, гулга фарқ боғ-роғлар кўзни қамаштирар эди. Энди мен булардан маҳрумман...

Сен ҳам шу кунларни эслайсанми? Менга такрор-такрор “севаман” деб айтганинг ёдингдан чиқмадимми? Бу сўзинг, қалб изҳоринг нақадар самимий ва беғубор эди ўшанда. Муҳаббатингни изҳор этиб айтган сўзларингни сира унута олмайман.

Аёллар баъзан ўзаро суҳбатларда ёмон йўлга юрадиган эркакларни юзсиз деб атайдилар. Наҳотки, сен ўшалардан бири бўлсанг. Кўнглимда нималар кечмайди, ази-

зим. Балки мен бундай хаёлларга беҳуда бораётгандирман. Буниси энди ёлғиз Аллоҳнинг ўзигагина аён.

Кетганингга ўн йил бўлди. Балки ўзинг айтмоқчи эрта уйланганингдан афсусланиб, бўйдоқлик гаштини суриб юргандирсан.

Йиллар кетидан йиллар ўтмоқда. Қайтиб келармикансан? Ё “қиз туғсанг, сен билан яшамайман” деган гапингга ҳали ҳам турибсанми? Сени унутишга ҳаракат қилдим, афсуски, бунинг уддасидан чиқа олмадим. Қандай қилиб унутай, ахир зурриёдинг ўзингга ўхшаса! Уни ҳар куни кўраман, демак сен доим ёдимга тушасан, доим ёнимдасан.

Дарвоза шарақласа, сенмикинсан деб юрагим қафасига сизмай кетади. Яна ёдимга тушасан, тунлари сени эслаб ухлай олмаيمان.

Ҳаётда тирноққа зор ўтаётганлар қанча. Улар фарзанд кўришмай, бола боқиб олишмоқда. Сен эса ўз болангни бир кўриб кетай демайсан. Эҳ, ажрашиш учун эркакларга баҳоналар тўлиб ётибди. Улар хоҳласа, хотини қиз туқанини баҳона қилиб ҳам ажрашиб кетаверишади.

Мен сендан на бойлик, на нафақа талаб қилмайман. Фақат шу ерда сенинг боланг, сенинг давомчинг, ўғлинг эмас, қизинг борлигини эслаб юрсанг бўлди.

Одамлар олис Америкадан, Арабистондан, Германиядан қариндошларини излаб келишмоқда. Сен эса Россиядан болангни кўриш учун келмайсан... Уни бир кўрсанг, бағрингга боссанг, балки сўнган муҳаббатинг қайта аланга олиб, қизинг учун қайтиб келган бўлармидинг.

Ўлкамизга яна сўлим баҳор келди. Унинг гўзаллигини сўз билан таърифлай олмаيمان. Ўн беш кунлик тўлин ой ҳам ўз жамолини кўз-кўз қилмоқда. Қуёшнинг заррин нурлари қалбларга ором олиб қиряпти. Лекин менинг бахтим тугал эмас, сабаби сен ёнимда йўқсан.

Яхши кунларга умидим сўнмаган, сени кутиб яшамокдаман, жоним!

Яхшига кун йўқ

Отасининг пулига ўқишга кирган Мирсаид бир курсда икки йилдан ўқирди. Бунинг устига ота бечора ҳар гал институтга бориб, ўғлининг ўқишини тиклаб келарди. Турган гапки, бунга ҳам пул кетарди.

Мирсаид навбатдаги курсни тамомлаб уйга келганида хурсандчиликнинг устидан чикди. Дадаси яп-янги машина олибди. У дарров ошналари ва қизларни машинага ўтказиб, кишлоқнинг у бошидан бу бошига чангитиб ҳайдай бошлади. Жўн бўлса майли эди, аммо ароқ ичиб ҳайдаши одамни хижолат қилмай қўймасди. Бунда у бира тўла ўпкасини чўпга илиб олар, ҳеч кимнинг гапига кирмай қўярди. Бу ишнинг охири фожиа билан тугади. Мирсаид машинани кайф ҳолда миниб кетаётиб, бир қизчани уриб юборди. Қизча шу ернинг ўзидаёқ халок бўлди. Мирсаид ҳатто машинадан тушиб ҳам қўйгани йўқ, қонга беланган машинани тўппа-тўғри уйга ҳайдаб келди.

Муслим ака нима қилишини билмай, тахтадек қотиб турарди. Шунда кичик ўғли Раҳимжон акасидан фожиа юз берган жойни сўраб олди-да, машинани миниб чиқиб кетди. Борганида милиция ходимлари суриштирув ўтказиб, жинойтчининг кимлигини билолмай туришган экан. Раҳимжон ўзини уларнинг қўлига топширди. Акаси Мирсаид Тошкентга қараб жуфтакни ростлаб қолди. У укам воқеа қандай содир бўлганини айтиб қўяди, деб қўрқарди.

Муслим ака кичик ўғлининг олдида борди. У Раҳимжоннинг кўзига тик қарай олмади.

—Ўғлим, қилаётган бу ишингдан пушаймон бўлмайсанми? Демокчиманки, кейин аттанг қилмайсанми?

—Йўқ, дада.

—Нима учун акангни аядинг. ўғлим?

—Акамни ўқишга киргизгунча қанча пулингиз кетди,

дада, — деди Раҳимжон. — Энди битирай деб турганда қамалиб кетса яхшими. Дўст-душман ичида ўқишини битириб олгани яхши. Пулингиз кўкка совурилмасин деяпман.

— Ҳа, йил ҳазил гапми, ўғлим. Бу дўзахдан тирик чиқиш осонмас...

— Ўзимни ҳимоя қилиб оламан. Ахир мен эркак кишиман, сизнинг ўғлингизман! Мен қайтгунча саккиз-тўққиз ёшли қизлар бўй етиб қолади, биронтасини кўз остига олиб қўяверинг.

— Балли, ўғлим, — деди Муслим ака кўзёшларини артиб, — ҳақиқий эркак кишининг ишини қиялпасан.

— Акамга айтинг, ҳадеб бўғилавермасин.

Муслим ака ерга тикилиб қолди. Мирсаиднинг ишидан бениҳоя жаҳли чиқаётгани аниқ сезилиб турарди.

— Хе-е, ўғлим-а, у ўзини айблаб олдингга бирон марта келиб ҳам қўймади...

— Келмагани яхши, дада.

Муслим ака навбатчи милиционернинг учрашув вақти тугаганлиги тўғрисидаги огоҳлантирувидан сўнг Раҳимжонни бағрига босиб, пешонасидан қаттиқ ўпди. У ўғлининг акллилигига, акасига бўлган меҳрига тан берди. Шу билан биргаликда катта ўғлининг бемехрлиги, Раҳимжоннинг тамомила акси эканлигидан ич-ичидан ранжиди.

Мирсаид саккиз йил деганда институтни аранг тамомлади. Бу вақт ичида Муслим аканинг топган-тутгани тугади, ҳатто тузаттириб миниб юрган машинасини ҳам сотиб, пулини Мирсаидга тутказди. У бу пул эвазига каттагина корхонага инженер бўлиб ишга жойлашди. Аммо бўлиб ўтган ишлардан хабари бор одамлар ундан ўзларини олиб қочишар, орқасидан гапириб қолишар, қисқаси, уни ҳурмат қилмас эдилар. Унинг ўрнига қамалиб кетган Раҳимжонни эса меҳр билан эслашар, “Эсиз, аҳмок

акасини деб умри камоқда ўтадиган бўлди”, дейишарди.

Раҳимжон камоқдан чиқди. Барно деган кизга уйла-ниб, бахтли ҳаёт кечира бошлади. У оддий шофёр бўлса-да, эл орасида ҳурмати катта эди. Мирсаид бу орада ишни эплўлмай ва ичкиликка муккасидан кетиб, вазифасидан бўшатилди. Раҳимжоннинг топиши яхши бўлиб, оиласи-нигина эмас, ота-онасини ҳам боқаётган эди. Энди унинг зиммасига акасининг ташвиши ҳам тушди. Каттарок пул ишлаб топиш мақсадида Тюменга олис сафарга жўнади, аммо у ердан унинг ўлиги келди. Унинг пешона тери билан топган пулини тортиб олмоқчи бўлганларида ёлғиз бўлганлигига қарамай безориларга қаршилиқ кўрсатган. Ярамаслар уни пичоклаб ўлдиришган.

Барно ўғли билан қолди. Мирсаид Раҳимжоннинг уйига кўз олайтира бошлади. Бир куни у ичиб келиб, Барнони ўғли билан ҳайдаб юборди. Шунда Муслим ака унга насиҳат қилган бўлди:

—Уканг сени қанчалар яхши кўрарди, қилган яхши-ликларини унутдингими? Арвоҳи ҳурмати бола-чақасига қаттиқ тегмагин. Бу гувала уйлар кимлардан қолмай-ди...

Мирсаид уни ортиқ гапиртирмади:

—Дада, сизам қизиқсиз-да, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган келинни зўрлаб олиб ўтирасизми! Эрга тегсин, ўйнаб-кулсин. Шу баҳона бахти очилсин. Савоб иш қилдим, дада. Менга раҳмат денг.

—Бунчалар бағритош бўлмасанг. Атрофингга қара, ака-укалар бир-бирини қўллашиб, катта ишларни қилишяпти. Сен укангга бирон-бир яхшилиқ қилмадинг, энди ҳеч бўлмаса унинг бола-чақасига тегма.

—Э-э дада, сиз ниманиям билардингиз. Ҳозир қир-қинчи йил эмас, кўзингизни катта очиб бир қаранг, маза-сини қилаётганлар қанча! Укам ўлиб кетди, унинг сағи-рини боқиб нима қиламиз.

—Ўғил эмас, махлуқ бокқан эканман! – Муслим ака энди ўзини тутолмай қолди. – Уканг эмас, сен ўлсанг бўлмасмиди!!

Муслим ака келинини бориб олиб келди. Ўзи яшаб турган кичкина уйни унга бўшатиб берди. У умрининг охиригача келинини бировга ҳафа қилдириб қўймасликни, унинг оғирини енгил қилишни аҳд этганди. Барно буни дилдан ҳис этди, қайнотаси уни кўрганда ўғли Раҳимжонни кўргандек бўлишини билиб, унга доим суянчик бўлди. Мирсаидга ўхшаганларга парво қилмаган маъқул, чунки бундайларнинг қисмати аянчли бўлиши аввалдан маълум.

Таъзим

*(Шоир Қурбон Жўранинг
“Бола – меҳр гадоси” тўплами ҳақида)*

Ширинсухан мураббий, устозимиз Қурбон Жўра домланинг “Бола – меҳр гадоси” китобини кўлимга олар эканман, хаёлим олис-олисларга парвоз этди.

Эсимда, эндигина олийгоҳни тамомлаб келган эдим, мени Сузоқдаги Бобур (собик Киров) номли ўрта мактабга семинарга жўнатишди, у ерда бир неча синфларга дарсни кузатгани кирдим. Домланинг дарслари аъло даражада бўлди. Ўқувчилар ҳар бир жавобни шеър билан боғлаб қайтарардилар. Дарсдан коникиб, дам олиб чиқдим.

Домланинг шеърларини Қирғизистон ва Ўзбекистон нашрларида ўқирдим, аммо ўзини кўрмаган эдим. Домлани яқиндан кўриб хурсандлигимдан ўзимни ҳеч қаерга сиғдира олмас эдим, иложи борича севинчимни ичимга яширдим.

Домланинг олдинги китобларини ҳам меҳр-муҳаббат

билан ўқиганман, баҳра олганман. “Бола – меҳр гадоси” китобининг яратилишини сабрсизлик билан кутдим, Худога шукур, бу китоб ҳам қўлга тегди. Китобни ўқир эканман, гўё олтин топиб олгандек хурсанд бўлдим, чунки бизда болаларга атаб ёзилган асарлар деярли йўқ бўлиб кетди.

Китобда болаларни дўстлашишга, меҳмондўстликка, ҳалолликка чакирган шеърлар анчагина. Жумладан, “Ҳалол ва харом” шеърида шоир шундай дейди:

*Не еса ер ҳар миллат –
Урф-одатга йўқ тўсқин.
Лек барчага харомдир
Қийиб емоқ эл ризқин.*

Шоир атрофдаги инсонларнинг изтиробига бефарқ қараб турмайди, уларнинг дардларига ҳамдардлик билдиради. Домланинг ҳар бир шеъри болаларни тўғрилиқка, софдилликка, инсонийликка, меҳнат орқали ҳунар ўрганишга, табиатни муҳофаза қилишга, қуш ва ҳайвонларга зиён етказмасликка, улар билан дўст бўлишга чорлайди.

Ҳам шоир, ҳам мураббий ўз ижоди орқали ёшларни соғлом, тетик, ҳушёр бўлишга ундайди, кўрқоклик доимо инсонни ҳалокатга олиб келишини “Кўрқоқ хўроз” шеърида жуда яхши тасвирлайди:

*Айёр тулки ўлжани
Судраб кетди овлоққа.
Ем бўлмасди гўл хўроз,
Қўш кўринди қўрқоққа.*

“Тадбиркор эчки” эртагида инсондаги дўстлик, ҳушёрлик, дадиллик улуғланади. Ҳамжиҳат, тадбиркор дўстларни ҳеч ким енга олмаслигини мажозий образлар орқали кўрсатади. Ёшларни дўстлашишга, ҳамжиҳат бўлишга, бирлашишга ундайди. Катталарга эса: “Туркистоним, бирлаш, сенга ҳеч бир душман қўл кўтара олмайди. Бирлашсанг, энг бахтли кунга етасан”, деб ҳитоб қилади.

Домланинг кайси бир шеърини олманг, инсонни ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар, ор-номусли, диёнатли, ўз халқига, ўз Ватанига, ҳар бир миллатга меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди:

Лек элига этган хиёнат

Қарғиш олар то рўзи махшар.

Арвоҳи ҳам бўлиб ёмонот,

Дўзахларда зор йиглаб-қақшар.

Адабиётни шеърятдан ажратиб бўлмайди, сабаби шеърятсиз адабиётни тасаввур қилиб бўлмайди, тўғрироғи адабиётнинг юраги шеърятдир. Бугунги китоб муаммоси турган, ота-она тирикчилик туфайли бола тарбиясидан узоклашган пайтда, шубҳасиз, шоирнинг бу китоби керак эди. Китоб ўз вақтида чоп этилди.

Устоз мансаб қувиб Ўзбекистонга кетмади, балки киндик қони тўкилган Қирғизистонда яшаб ижод қилмоқда. Мен домла билан бир заминда замондош бўлиб яшаётганимдан фахрланаман. Мен унга Аллоҳдан узок умр сўрайман, ижоди бундан ҳам равақ топиб, дилбар асарлар ёзверишига тилакдошман.

Сеҳрли асар

Ҳайбатилло ака Алибоевни мен мураббий, рассом, таржимон сифатида танир эдим, аммо домланинг ёзувчи эканлигини билмасдим. Шунинг учун “Гўзалой юлдузи” киссасининг чоп этилиши менга чакмоқдай таъсир қилди. Китоб қўлимга тегиши билан ухламасдан бир кечада ўқиб чиқдим. Бу асар мусаффо, ложувард, беғубор покликларга тўлиб-тошган уммондир.

“Гўзалой юлдузи” киссаси фантастиккина эмас, балки фалсафий асар ҳам ҳисобланади. Жумладан, бу асарда 200 йил кейинги ҳаётимиз ҳақида фикр юритилади. Келажа-

ги порлок, нурли Қирғизистонимизнинг кейинги турмуш тарзи, кишлок хўжалиги, маданияти, маънавияти, фан-техникаси, мисли кўрилмаган даражадаги равнаки тас-вирланади. Кўз олдимизда Американи ҳам, Россияни ҳам лол қолдирадиган даражадаги мамлакат гавдаланади.

Баҳодир ва унинг устози, фазогир олим, Жаҳон космик тадқиқотлар ташкилоти (ЖКТТ)нинг фахрий аъзоси, “Семетей” космодромининг бошлиғи Усон Осмонович Осмонов тимсолларида биз келажаги порлок, фан-техникада мислсиз илгарилаб кетган давлатимизни кўра-миз. Устоз ва шогирд ўртасидаги муносабатда эса бир-бирига ота-боладек қадрдон бўлган ўзбек-қирғиз дўстли-ги нурли келажагимиз калити эканлиги уқтирилади.

Ёзувчи бутун дунёнинг равнақи байналмилал дўстлик-дадир, деган гоёни олдинга суради. Америка фарзанди Жон Девис ва рус фарзанди Игорь Соколовлар образла-ри шу мақсадда киритилган.

Баҳодир ўзга сайёраларга “Семетей” космодромидан парвоз қилгани кетаётганда Жалолобод шаҳридаги тўрт-беш қаватли уйлар ўрнида 56 йилдан сўнг 23-27 қаватли бинолар қад кўтаради. Бу бинолар хўжакўрсинга эмас, балки улкан, қудратли, мустаҳкам, бекаму кўст қурил-ган, шароитли бинолардир. Бу уйларда ҳамма шароит муҳайё, 27 қаватли 5та бино 12000 тадан одамга мўлжал-ланган. “Сектор-7” – Баракатда 7200 киши яшайди. 27 қаватли бинода мактаб, магазинлар, йиғириш ва тўқиш комбинатлари, кинотеатр, ошхоналар, газлама, жемпер, пайпоқ тўқиш комбинатлари, турли омборхоналар, ҳам-момлар, кутубхоналар, дискотека, клублар, яслилар жой-лашган. Гектар-гектар мевали боғлар, боғнинг чеккасида канал, катта ҳовуз, моторли қайиқчалар ва яна катта жо-меъ масжиди, маданият саройи, ёзги болалар лагери, кон-серва заводлари – буларнинг барчаси инсонлар учун яра-тилган. Наҳотки, шунча ривожланиш, шунча тараккиёт!

Бу эртак эмасмикан? Эртак ўқимаяпманми, деб ўйлана-сан киши. Аммо ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамжихатлик-даки, тўғри йўлдан кетсак, бундай ривожланишга эришамиз ҳам.

Олис космик сафардан қайтган Баҳодир эртаклар оламига келиб қолгандек бўлади, аммо кўриб турганларининг ҳаммаси ҳақиқат. Баҳодир замон шитобига ҳайратда қолди, машиналарнинг ёқилғисиз, сув билан ҳаракатланиши ёки осмонўпар биноларнинг қуёш энергияси билан иситилиши, электр энергиясининг бепул бўлиши, кўмир, табиий газнинг эса кейинги авлодларга қолдирилиши ҳайратланарли даражададир.

Асар қаҳрамони Баҳодир еримиздаги тараққиёт, мўлқўлчиликни кўриб бағоят хурсанд бўлади. Аммо у жаннатмакон она-Еримизнинг пари-пайкари бўлган, севган кизи Гўзалоюни топа олмайди. Наҳотки, у вафот этган бўлса...

Космосга отланмаганда балки Гўзалою эрта хазон бўлмасмиди. Аммо Баҳодир йигитлик, инсонийлик, одамийлик бурчини адо этди. Бутун дунё олдида турган муаммони ҳал қилиш учун бел боғлаб ишга киришди ва бу муаммони бартараф қилди. Баҳодир сирли коинотнинг бепоён жаннатини топди. У ернинг гўзаллигини ўз кўзи билан кўрди, шу билан бирга севган кизи Гўзалоюни парилар ичидан топиб олди. Аммо Баҳодир ана шу маҳалда бу жойнинг жаннат эканлигини билмади, буни фақат она-Еримизга тушгандан сўнг англади.

Ёзувчи ўзга сайёралардаги ҳаёт, тараққиётни ҳам ишонарли бўёқларда тасвирлаган. Жумладан, Йўлдошвой аканинг бутун оиласи билан ўзга сайёрада боғу роғлар яратгани, катта орзу-ниятлари борлиги китобхонни ҳайратлантирмай қўймайди. Буларнинг барчаси халқимизнинг заҳматқашлиги, меҳнатсеварлигини кўрсатади. Дунёнинг бошқа ерларидан келган буюк олимларнинг ишла-

рини айтмайсизми!

Асардаги Гўзалои тимсоли эса Лайли, Ширин, Зухра. Раъно каби севгида тенгсиз, жасоратли қизларимизни эслатади. Баҳодир ҳам севги, вафода Фарход, Мажнун. Тоҳирлардан қолишмайди. Ватан, она-замин олдидаги бурч туфайли йигитлик вазифасини бажаради, инсониятни катта ҳалокатдан асраб қолади.

Она-Ердаги эртаксимон, аммо Гўзалои сиз ҳаёт Баҳодирнинг кўнглини тўлдирмади, шунинг учун у Гўзалои-ни Ерга олиб келиб, бирга давру даврон суришни мақсад қилиб қўйди ва парвозга шайланди.

Биз, китобхонлар муаллифдан Баҳодирнинг соғ - саломат Гўзалои юлдузига парвоз этиб, севгилисини она-Еримизга олиб келишини талқин этувчи янги асарни кутиб қоламиз.

Китобдаги “Ботир Мерган ҳақида ҳикоялар”да икки миллат, яъни ўзбек ва қирғизларнинг дўстлиги, биродарлиги талқин этилади. Ҳикоялар ёшларни дўстлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.



Мундарижа

Аччиқ мерос	3
Маданиятсиз	6
Оила устуни	7
Садоқат	9
Меҳр	12
Ёмон билан юрсанг... ..	13
Биринчи муҳаббат	17
Туркистон	20
Қайтар дунё	23
Қалб изтироблари	28
Яхшига кун йўқ	30
Таъзим	33
Сеҳрли асар	35

Адабий-бадиий нашр

Розия ХОЛХЎЖАЕВА

ҚАЙТАР ДУНЁ

Хикоялар, мақолалар, тақризлар

Муҳаррир Нилуфар Ҳабибулло қизи
Техник муҳаррир П. Раимбердиева
Мусахҳиҳ Насиба бону

Босмахонага берилди 27. 02. 2003 й.
Босишга рухсат этилди 6. 04. 2003 й.
Бичими 60/84 1/16, 2,5 босма тобоқда
Буюртма 1412. Нусхаси 1000
Ўш вилояти босмахонаси

Ўш шаҳри, Курмонжон додхо кўчаси-209.

